Симбағазга тортиладиган 2,5 мм. ли	520	920	800
Улаш учун 3-4 мм. ли сим, кг.		225	225

Пастки қатордаги биринчи сим ер юзасидан 50-60 см баландликда, иккинчи ва кейингилари бир-биридан 40-50 см масофада тортилади.

3.3 Токни ер бағирлатиб ўстириш

Кейинги йилларда тупроқ – иқлим шароитини қулайлигига қарамадан Республика бўйича токзорларнинг ҳосилдорлиги камайиб кетди, буни токзорларга қаровнинг етарли даражада эмаслиги билан тушунтириш мумкин. Кейинги 2-3 ўн йилликларда токзорларни қайта тиклаш ва экилишлар, янги технологияга, яъни симбағазга мўлжалланган бўлиб, темир-бетон устунлар, симлар ва ҳар йили таъмирлаш учун катта миқдорда маблағни талаб қилади. Шунга қўра, бу ашёларнинг ва қўшимча ҳаражатларнинг ноёблиги, токзорларнинг ярмидан кўпи ўз вақтида тирговичларга кўтарилмасдан мажбурий равишда ер бағирлаб ёйилиб ўсмоқда. Бу шароитда ток туплари керакли шаклни эгалламай, эзилиб олди.

Бу токзорларда ёзги даврда тупроқни ишлаш учун механизациядан фойдаланиб бўлмайди, ўғит солиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишларини ҳам олиб бориш қийинлашади, булар эса ҳосилдорликни камайишига олиб келади.

Қадимдан ва ҳозирги вақтда иссиқ ва қуруқ иқлимли мамлакатларда

ток туплари тирговичсиз ер бағирлатиб ўсмоқда. Тадқиқотлар натижасида тасдиқланишича токни тирговичсиз ер бағирлатиб ўстиришни ўз ёшини яшаб бўлган деб ҳисобламасдан, аксинча уни асос қилиб олиб, тупни кўмиш ва очиш учун механизация, тупрокни ишлаш, ўғит солиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиши, қисман экишни ўзгартириш, қаторларни жойлаштириш ва тупларга шакл бериш бўйича такомиллаштириш ишларини олиб бориш талаб қилинади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ток тупларини тирговичсиз қуйидаги маълум табиий зоналарда ўстириш мумкин :

- тоғ ва тоғолди лалми районларида шартли суғориладиган ерларда;

- водий районларида зинапояларда, ер ости сувлари чуқур жойлашган ва адир ерларнинг юқори қисмида;

- чўл зонасида шағалли ерларда ер ости сувлари ер сатҳидан 4-5 м чуқурликда жойлашган тупроқларда.

Токни ер бағирлаб ўстиришда қуйидаги навларни киритиш мумкин: Оқ кишмиш, Қора кишмиш, Пушти тоифи, Қора жанжал, Пушти паркати, Хусайни, Китоб Сурхағи, Эртапишар, Баян ширей, Ркацители, Саперави. Рислинг. Ток туплари 3 ва 4 м қатор оралиғида экилиши мумкин. Уч метрли қатор оралиғи доим бўш қолдирилиб, тупрокни ишлаш, ўғит солиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, ҳосилни ташиш ва кесилган новдаларни олиб чиқиш учун ишлатилади.

Тўрт метрли қатор оралиғи ток занглари ва новдаларини тараш учун ишлатилади. Ток туплари оралиғи 2,5 ёки 3 м масофада экилади.

Ток тупларига тўрт метрли қатор оралиғи тарафига узун зангли ярим елпигичсимон шакл берилади. Узун (2,5 м) занг 20° бурчак билан қатор бўйлаб қийшайтирилиб, қолган занглар 45 дан 90° гача бурчак билан йўналтирилади. Ҳомток вақтида 1-2 ҳосилсиз, шакллаш учун кераксиз кўк новдалар олиб ташланади. Узун зангда 4-5 та ҳосилли новда ва 2-3 та ўринбосар новда қолдирилади.

Ҳосилли новдаларнинг юқори қимида 12-14 куртак, пастроқда 10-11, яна пастда 8-9 ва асосда 6-7 куртак қолдирилади. Кўмиладиган самарали нам берадиган ток тупларининг ёши 5-6 ёш бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатни токка шакл беришда сақлаб борилади.

Хўраки ва кишмиш навларда ҳар бир тупда 250-300 та куртак, қайта ишланадиган навларда 200-220 та куртак қолдирилади.

Ҳомтоқ вақтида Кишмиш, Тойфи, Нимранг навлари учун иккита ҳосилли новдага битта ҳосилсиз новда қолдирилади. Техник навларда 5-8 та ҳосилли навдаги битта ҳосилсиз новда қолдирилади.

Шундай қилиб, биринчи ҳомтоқда кишмиш ва хўраки навлар тупида 250-300 та куртақ қолдириладиган бўлса, 60-70 та ҳосилсиз новда олиб ташланади, техник навларда эса 30-40 новда олиб ташланади.

Биринчи ҳомтоқда пуштада новдаларни бир текисда жойланишига эътибор бериш керак. Узум бошлари ерга тегмаслиги учун 30-40 см ли қозикларни ҳар бир зангни тагидан қўйиш керак.

Гуллаш тугагандан 2-3 ҳафта кейин қалинлашиб кетган тупларда иккинчи ҳомтоқ ўтказилади. Бунда шакллаш учун керак бўлмаган новдалар ва бачкилар олиб ташланади.

Уч метрлик қатор ораликда тик симбағазда қандай ишлар бажарилса, шу ишлар бажарилади, яъни баҳорги, кузги тупроқни хайдаш, чизеллаш, баҳорги культивация, чуқур хайдаш, туп оралиғи тупроғини чопиш ва юмшатиш.

Тўрт метрли пушта фақат кузда хайдалади. Сув уч метрли қатор оралигида иккита ариқ орқали қўйилади. Ўғит тик устунларда ўстириладиган тоқдек уч метрли қатор оралигида ўша миқдорда ва усулда берилади. Тоқ тупларини кўмиш ва очиш тик устунларда ўстириладиган тоқдек бажарилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишда уч метрлик қатор оралигидан механизмлар юриб бажаради. Тик устунларда ўстирилаётган уч метрли қатор оралиғидаги тоқ тупларини ер бағирлатиб ўстиришга мослашда юқорида айтиб кетилгандек узун зангли елпиғичсимон шаклга уч йил давомида шакллантирилади.

Тоқ тупларида 4-5 та кучли бир ёшли новдалар қолдирилиб 1,2-1,5 м узунликда шакллантирилади. Пушталар аниқланиб, тоқ новдалари шу пушталарга йўналтирилади, ёнидаги қатор оралиғи эса механизмлар юриши, тупроққа ишлов бериш, суғориш учун мўлжалланади.

Тоқни ер бағирлатиб ўстириш иқтисодий самаралидир, қиммат устунлар ишлатилмайди, тик устунларни таъмирлаш талаб қилинмайди, тоқ тупи очилгандан кейин тоқ занглари ва новдаларини ва икки маротаба кўк новдаларини боғлаш ишлари ўтказилмайди.

Тоқни тик устунларда ўстирилганда технологик карта бўйича 1 гектарга сарфланган ишчи кунини 187 ни ташкил қилса, ер бағирлатиб ўстирилганда 127 ишчи кунини ташкил қилади. Демак, 1 гектар тоқзорда ҳар йили ер бағирлатиб ўстирилганда 60 ишчи кунини иқтисод бўлади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда токни ер бағирлатиб ўстиришда ҳосилдорлик тик устунларда етиштиришдан кўра кам эмас, баъзи ҳолларда ундан кўп.

4. ТОКНИ УЗУН ЗАНГЛИ ҚИЛИБ ШАКЛЛАНТИРИШ

Токнинг кенг қаторларда тупларни узун қилиб шакллантириш, ўстиришнинг истиқболли усулидир. Бунда парваришlash ишларини механизациялашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, шунингдек токнинг ўсиши ва мўл мева қилиши учун қулай шароит яратилади.

4.1 Вегетациянинг биринчи йили.

Бу усул ток қишда кўмилмайдиган Ўзбекистоннинг айрим жойларида қўлланиши мумкин. Узун зангли қилиб шакллантириш учун вегетациянинг биринчи йили ҳомток қилинмайди. Тупдаги барча ривожланган новдалар барг майдонини кенгайтириш ва илдиз системасини кучайтириш учун қолдирилади.

4.2 Вегетациянинг иккинчи йили.

Иккинчи йилдан бошлаб тупга шакл бериш бошланади. Узун зангли қилиб шакллантириш учун фақат кучли ўсган, яхши ривожланган новдалардан фойдаланилади, шундай новдалардан бирини, иложи бўлса, 110-120 см баландликда кесиб, таянчга (симбағазга ўрнатилмаган бўлса, қозикқа) тик қилиб боғланади, бошқа новдалар кесиб ташланади. Ҳомток қилишда юқори қисмдаги 3-4 новдадан ташқари барча бачки новдалар кесиб ташланади.

4.3 Вегетациянинг учинчи йили.

Учинчи йили елпиғичсимон қилиб шакллантириш учун зангдаги 3-4 новдадан енг ҳосил қилинади, уларни кесиб 120-240 см баландликдаги биринчи ва иккинчи симга боғланади. Кесишда енгнинг юқори асосида янги енглар шакллантириш учун, учида эса мева қиладиган новдалар ва ўринбосар ёш новдалар қолдирилади.

Мазкур тизимда ток ўстириш учун таянчлар оддий тик симбағаздан иборат бўлиб, бунда фақат ер юзасидан 120 дан 130 см баландликда бошлаб тортилади. Бу системага фақат мевали новдалар боғланади, кўк новдалар боғланмайди, улар ўзининг ва узум боши оғирлиги остида осилиб туради.

5. ТОКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА КЕСИШ

Ток кесиш муҳим агротехник усул бўлиб, токнинг ўсиши ва мева қилишини тартибга солилади¹. Бу усул ёрдамида токни парваришлаш учун қулай шакл берилиб, у токзорлардан фойдаланиш давомида сақлаб турилади. Токка тўғри шакл берилиши ва оқилона ўстириш тизими тупдан узоқ вақт ва юқори ҳосил олинишини таъминлайди, қуёш нуридан, иссиқлик, сув ва озуқа моддаларидан тўлиқроқ фойдаланишга, шунингдек механизацияни кенг қўлланишига имкон беради.


Тупни шакллантириш, кўчатларни ўтказишга тайёрлашдан бошланади, бунда уларда 2-3 та кўзча қолдирилиб кесилади (расм 17 а).

Кўчатларни ўтказишда уларнинг новдалари қатор чизиғи бўйлаб жойлаштирилади, новдалар асоси тупроққа 8-10 см чуқурликда қўйилади.

Яхши ривожланган тупларнинг шаклланиши анча (1-2 йилга) тезлашади, биринчи ҳосилга иккинчи йили кириши мумкин. Учинчи – тўртинчи йили мевага тўлиқ қиради.

Тупнинг барча элементларини бир вақтнинг ўзида шакллантиришда бачки новдалардан кенг фойдаланилади, ток ҳамток қилинади. Бу билан айрим новда ва бачкиларнинг ўсиш кучи тартибга солинади.

Ш а к л л а н т и р и ш -нинг тезкор усулларини қўлланиши токзорларда фойдаланиш самарадорлигини оширади, бироқ бутун вегетация давомида кўп қўл меҳнати сарфланади. Кучли кўчатлар ўтказилганда



Расм. 17. Кўчатларни экишга тайёрлаш схемаси: а. 2 та новдали кўчат; б. вегетациянинг биринчи йили; в. вегетациянинг иккинчи йили; г. кўчатларнинг новдалар жойланиши–вегетациянинг иккинчи йили; д. кўчатларнинг новдалар жойланиши–вегетациянинг учинчи ва тўртинчи йиллари; е.ж. бир нечта кучли новдонларга эга тубларнинг шаклланиши.

биринчи йили қатор бўйлаб йўналтирилган 3-4 новда ўстирилади (расм 17 б).

Агар кўчатда атиги битта новда ривожланса, учта бачки ҳосил бўлиши учун у тўртинчи-бешинчи баргдан юқориқоқда чилпиланади.

Бир йиллик кўчатлар қишга кесмасдан кўмилади, кейинги йили баҳорда симбағаз ўрнатилади.

Иккинчи йили баҳорда туплар новдаларнинг ривожланишига кўра кесилади : кучли занглар (пишган новдалар шундай кесиладики, уларни пастки симга боғлаш мумки бўлса, кучсизлари 2-3 та кўзча қолдириб, калта кесилади) (расм 17 в). Апрельда кўк новдалар ривожлангандан кейин ҳомток қилинади. Туп асосидаги, туп ичига ёки қатор орасига йўналган ва шакл бериш учун яроқсиз новдалар олиб ташланади, тупнинг ташқи томониға қатор бўйлаб ўсган, калта кесилган зангдаги новдалар қолдирилади. Узун кесилган зангларнинг пастки қисмида тупнинг ташқи томониға ўсган битта кўк новда, юқори қисмида камида иккита новда қолдирилади.

Агар тупда кам (тўрттадан кам) новда ривожланса, у ҳолда улар бачки новдалар ҳисобига тўлдирилади. Бунинг учун май бошларида яхши жойлашган иккита новда 4-5 бўғинча чилпилади ва ривожланган новдалар келгусида ҳосил қилинадиган енг учун мос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи йили кузда пишган новдада иложи борича кўпроқ кўзчалар қолдирилиб кесилади. Икки йиллик учун кесилган бачки новдалар калта кесилади, иккита юқори узунроқ новдада ҳосил учун 6-8 та кўзча қолдирилади. Туп асосидаги 6-8 та яхши ривожланган новдалар 60-80 см га кесилади. Чеканка қилинган новдаларни тез шакллантиришда занг тупининг иккала томонида симметрик жойлаштирилади, пастки бачкилар калта, юқори новдалар мева қилиш учун кесилади (расм 17 г).

Учинчи йили баҳорда занглар симбағазга туп марказидан икки томонга бир текис тақсимланган ҳолда елпиғичсимон қилиб боғланади. Енглари учидаги новдалар симбағазнинг 2-3 симига горизонтал қия ёки ёйсимон қилиб боғланади.

Ҳомток қилиш даврида тупни қалинлаштирувчи мевасиз новдалар олиб ташланади, пастки қисмида етишмаган енглари шакллантириш ёки уларни алмаштириш учун новдалар қолдирилади. Чеканка қилиш ва бачкилардан фойдаланиш асосида тезлаштирилган усулда шакллантирилган туплар яхши сув – озуқа ва ҳаво – ёруғлик режимида

учинчи йилиёқ юқори (ҳар бир тупда 10-12 кг.) ҳосил беради.

Ҳар бир зангда битта-иккита (калта новда) ўринбосар ва иккита-тўртта ҳосилли новдаларга шакл берилади ва горизонтал ёки қиялатиб симбағазларга боғланади (расм 17 д).

Тупни бир томонга елпиғичсимон шакллантиришда қатордаги туплар орасидаги масофа навларнинг ўсиш кучига боғлиқ. Кучли ўсадиган навлар учун 2,5 м, ўртача ўсадиганлари учун 2 м.

Мева берувчи тоқлар сентябрдан ноябргача кесилади. Бу иш ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг ўтказилади. Шу сабабли кечпишар навларни кесиш муддати сезиларли қисқаради. Нав хусусиятлари, ноқулай об-ҳаво шароит ёки парваришда йўл қўйилган хатолар (кеч суғориш, азотли ўғитларни ортиқча солиш, сифатсиз хомтоқ қилиш) туфайли новдаларнинг секин ёмон пишиши тоқ кесишни кечиктиради.

Катта майдондаги тоқзорларда тоқ кесишни эрта ва ўртапишар навлардан бошлаш зарур, чунки уларнинг новдалари тезроқ пишади.

Шуни қайд қилиш керакки, хомтоқни (кўк новдаларни боғлаш, тупларда новдалар кам ёки ортиқча бўлганида эрта ёзда чеканкалаш) тўғри ва ўз вақтида ўтказиш кесишни осонлаштиради ва ҳажмини қисқартиради. Хомтоқ қилиш вақтида новдаларнинг кесилган жойи кузги кесишдагига нисбатан тезроқ битади.

Тоқни умум қабул қилинган технология бўйича кесиш зарур. Бунда ўткир тоқ қайчи ва аррадан фойдаланилади. Енглам фақат ички томондан кесилади, бунда кесилган жойлар яқинидаги зарарланган жойларнинг туташиб кетишига йўл қўймаслик зарур, бу тупнинг ўсишини сусайтиради ва ҳосилдорлигини камайтиради. Зангларни кунда қолдирмай кесиш, бурчак куртақдан новда ҳосил бўлишини истисно этиш лозим. Ўринбосар новда ҳар доим мевали новдадан пастда ва енгнинг ташқи томонида қолдирилади. Енгда бир неча мевали новда қолдирилганда кесиш узунлигини уларнинг жойлашганлигига кўра табақалаштириш керак. Мевали новда енг асосидан қанча узоқда бўлса, у масофада қолдирилади. Новдадаги кесик силлиқ бўлиши ва тез битиши учун тоқ қайчининг бўртиқ кесувчи жағи тупда қоладиган новда ёки енг қисмига қаратилади.

Кузда ток кесишда шаклантириш учун кераксиз новдалар ва ўсиб кетган энглар олиб ташланади, бир йиллик новдалар ишлатилиш мақсадига (новда ёки мевали новда) кўра калталаштирилади.

Мева қиладиган туплар туп бошидан кесилади, бунда скелет новда баргдан тозаланади. Тик ўсувчи новдалар асосга тақаб кесилади. Ўсиб кетган ва эгилмайдиган бўлиб қолган энглар олиб ташланади ёки яхши ривожланган тупнинг ташқи томонига ўсган новдагача қурий бошлаган энглар олиб ташланади. Улар ўрнига бачки новдалар қолдирилади. Тупда пишган новдада тўрттадан кам бўлса, у ҳолда қатор жойлашган кучли новдалар янги энг шаклантириш учун қолдирилади. Енгларда асосга яқин жойлашган 2-3 та кучли новда танланади, тупнинг ички томонига қараб ўсган энг пастки 2-3 та кўзча, ундан юқорисида 6-7 та, энг юқорисида 10-15 та кўзча қолдирилиб кесилади. Енг тез ўсиб кетмаслиги учун ўринбосар новдалар қолдирилади. Иккита ҳосилли новда кучли ҳосилли бўғинини ташкил этади.

Кучли ўсадиган навлар учун энгларда кучайтирилган бир неча ҳосилли бўғинлар қолдирилиб кесиш тизими (Р.Мусамухамедов) тавсия этилади (расм 17 е).

Ток кўмиладиган худудларда кузда дастлабки кесиш вақтида тупларда кўшимча кўзчалар (қабул қилинган нормадан 20-25% миқдорда) қолдирилади. Баҳорда туплар очилгандан кейин кўзчалар қишда шикастланган ва синган новдаларни ҳисобга олган ҳолда қолдирилади.

Токдан ҳар йили мўл ва юқори сифатли ҳосил олиш учун туплардаги кўзчалар сони токнинг ўсиш кучи ва мева қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда навлар бўйича табақалаштирилади.

Мева қилиш коэффиценти паст (ривожланган новдалардаги узум бошлар сони) бўлган кучли ўсадиган навлар (Пушти тоифи, Нимранг, Хусайни, Китоб сурхоки, Қора кишмиш ва Оқ кишмиш)да кўзчалар кўпроқ қолдирилади. Енгларда кучайтирилган ҳосилли бўғинлар қолдирилади, ҳосилли новдалар 10-15 та кўзча қолдириб кесилади. Бир тупда 200-300 та кўзча қолдирилади.

Баян ширей, Гулжа, Соёки навлари учун озикланиш майдони 3х2,5 метрлигида тупдаги кўзчалар 160-200 тани ташкил этади.

Тажриба шуни кўрсатдики, гектаридан 20 та ва ундан юқори ҳосил олиш учун тупларда хўраки навлар бўйича гектарига 400-500 минг,

техник навлар бўйича 250-400 мингта кўзча қолдириш зарур.

Ўзбекистон шароитида навнинг тез ўзиши ҳисобга олиб новдаларда 6-8, 9-12, 12-15 та кўзча қолдириб, ҳар хил узунликда кесилади.

Республиканинг кўпгина районларида тупларни кўмишдан олдин ва уларни очгандан кейин бўладиган совуқлар кўзчаларнинг зарарланишига, енгнинг кўп йиллик қисмларидаги тўқималарнинг қисман қуришига олиб келади.

Йилдан-йилга шикастланишлар кўпайиши натижасида ҳосилли новдаларнинг кўпчилиги қуриши мумкин.

Кучли зарарланган токзорларда қисқа вақт ичида тупнинг ер усти қисмини қайта тиклаш ва бачкилардан ҳосил олиш учун токни яхши парваришлаш зарур. Шуни ҳисобга олиш керакки, туп бошида ва калта кесилган новдаларда ёки кунданинг пастки қисмида ривожланмаган ва уйғонмаган куртақларнинг катта захираси бор, улардан мевасиз новдалар ривожланиши ва тупларнинг ер усти қисмини қайта тиклаш ва ҳосил олиш учун фойдаланиш мумкин.

Яхши сув-озика режими кўшимча куртақларнинг ривожланишини кучайтиради. Зарарланган токзорларни биринчи навбатда суғориш зарур. Суғоришдан олдин минерал ўғитлар солиш керак.

Суғоргандан кейин туп бошидан кўплаб бачкилар ўсиб чиқади, улардан қулай жойлашган, тупнинг пастки қисмида ва қатор бўйлаб ўсувчи 8-10 та новда қолдирилади, қолганлари олиб ташланади. Бу ишни иложи борича эртароқ, новдалар синувчанлигида бажариш лозим.

Эгилувчи енгли қилиб тўғри шакллантирилган ва кесилган туп осон ва ихчам жойлашади, бу токни сифатли кўмишга имкон беради.

Кўп йиллик маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг шимолий районларида ноябрнинг биринчи ўн кунлигида ҳарорат минус 10-12° гача пасаяди, новдалари пишмаган тупларга зарар етказилади, бунда кўмилмайдиган токзорларга анча зиён етиши мумкинлигини ҳисобга олиб, токларни кесиш, жойлаш ва кўмиш ишларини октябрнинг иккинчи ярмида тугаллаш керак.

6. ЕНГ ВА НОВДАЛАРНИ БОҒЛАШ

Занг ва ҳосил учун қолдирилган новдалар туплар очилиши билан симбағазларга боғланади. Бу иш куртақлар бўртгунча тугалланиши керак. Туплар қатор орасига ишлов беришда машинанинг бемалол

ўтиши учун энглар биринчи сим сатҳигача кўтариладики, бунда ҳосил берувчи ва кўк новдалар ишга ҳалакит бермасин.

Кўп йиллик энглар симбағаз ёки бошқа турдаги таянчларга бир текис тақсимланади. Тик симбағазда кўп энгил қилиб елпиғичсимон шаклда ўстиришда кўп йиллик занглар тупнинг иккала томонига биринчи ва иккинчи симларга, ҳосил берувчи новдалар биринчи, иккинчи ва учинчи симларга боғланади. Ярим елпиғичсимон шаклда ўстиришда кўп йиллик занглар фақат бир томонга пастки ва иккинчи симга, ҳосил берувчи новдалар – биринчи ва иккинчи, истисно тарикасида – учинчи сига боғланади.

Соябонли симбағазга кўтариладиган тупларнинг кўп йиллик занглари пастки, иккинчи ва учинчи симларга нисбатан тик ва қиялатиб боғланади, улардан икки-учтаси қалпоққача етказилади. Ҳосил берувчи занглар симбағазнинг барча симларига, яъни ҳам тик ва горизонтал қисмларига боғланади.

Новдалар барча узунлиги бўйича бир текис ривожланиши учун симбағазларга горизонтал ёки сал қия қилиб боғланиши лозим.

Занглар йўғонлашганда боғичлар узилиб кетмаслиги ва новдалар симга ишқаланмаслиги учун улар пишиқ бўлиши керак. Бунинг учун боғич симбағазларга саккиз рақамли шаклида боғланади.

Новдалар 50-60 см узунликка етганда биринчи ҳомток ўтказилади, ёш новдалар иккинчи, баъзан учинчи симга боғланади. Кўк новданинг ўсиш кучи ва жойлашишига қараб иккинчи маротаба учинчи ёки тўртинчи симга боғланади.

Кучли ўсган ток тупларидаги кўк новдалар ёзнинг охирида учинчи маротаба қайта тараб боғлаб чиқилади. Кўк новдаларни симбағазларга айрим-айрим боғлаш керак. Асло бир нечтасини бирга боғлашга йўл қўйиб бўлмайди. Новдаларни боғлаш учун нам чипта ва каноп ишлатилади.

7. ТОКНИНГ ЯШИЛ НОВДАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ

Муҳим агротехник тадбирлардан бири – токни ҳомток қилиш, новдаларни чилпиш, бачки новдаларни олиб ташлаш ва чеканка қилишдир. Новдаларнинг ўсиши ва етилиши, ҳосил сифати, ўсимликларни кишга тайёрлаш мана шу агротадбирларнинг ўз вақтида тўғри ўтказилишига боғлиқ⁶.

7.1 Ҳомток қилиш

Токда тўпгуллар пайдо бўлиши билан ҳомток қилинади. Новдада тўпгул ўрнида жингалакларнинг борлиги аниқ ҳосил қилмаслигидан далолат беради. Ҳосил қилмаслиги аниқ бўлган новдаларни эрта ҳомток қилиш кўшимча миқдорда новдалар, шу жумладан ҳосил қиладиган новдаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Ҳомтокни эрта гуллайдиган навлар ўтказилган майдонлардан бошлаш зарур. Токнинг кўп йиллик зангларидан ўсиб чиққан бачки новдалар биринчи навбатда олиб ташланади. Бунда токни шаклантириш ва зангнинг ўрнини босиш учун керак бўладиган бачки новдалар қолдирилади. Агар токда зарарланиш натижасида ёки бошқа сабабларга кўра кам новда ривожланган бўлса ҳам бачки новдаларнинг бир қисми озикланиш юзасини ошириш учун қолдирилади.

Ҳар бир нав учун тупдаги ҳосилдор ва ҳосил қилмайдиган новдалар нисбати олинadиган ҳосил ва новданинг ўсиш кучини, шунингдек экологик ва агротехник шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Масалан, суғориладиган ерларда етиштириладиган кишмишбоп навларда ҳар иккита ҳосилдор новдага 1-2 та ҳосилсиз новда қолдириш керак. Лалми токзорларда қиш-баҳор давридаги ёғингарчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳомток қилинади. Бир вақтнинг ўзида олинadиган ҳосил миқдори нормаллаштирилади ва ҳар бир ҳосилдор новдага битта ҳосил қилмайдиган новда қолдирилади. Ёғингарчилик кам бўлган йиллиарда токнинг жуда кучсизланиб кетишининг олдини олиш мақсадида тўпгулли новдаларнинг учдан бир қисмини олиб ташлаш керак.

Техник навларнинг кўпчилигида ҳосилсиз новдалар оз қолдирилади, чунки уларда кўп миқдорда тўпгулли яшил новдалар ривожланади.

7.2 Новдалар чеканкаси

Новдаларнинг юқори қисмини бир нечта барг билан бирга олиб ташлашдан иборат. Чеканкани айрим ҳоллардагина жуда кучли ўсувчи токзорларда сийраклаштириш билан бир вақтда августнинг биринчи ярмида ўтказиш керак. Бунда новда, бачки новда ва баргларнинг ток тупини жуда қалинлаштириб юборадиган ва ҳаво ҳарорати ҳамда ёруғликнинг ўтишига ҳалақит берадиган қисмлари олиб ташланади. Бу токка кейинги ишлов беришни, зараркунанда ва касалликларга қарши курашишни осонлаштиради, меваларнинг ранги чиройли бўлишини таъминлайди. Ҳомток қилишда ва яшил новдаларни синдириб ташлашда тупдаги куртаклар сонини тегишлича қолдириб тупнинг

ўртача юкланишини саклаб туриш, яшил новдалар билан ўтказиладиган ишларни тўғри олиб бориш чеканка қилишни истисно этади.

7.3 Бачкидан тозалаш

Токда асосий новда барглари ва узум бошларини соялатиб қўядиган бачкилар кучли ўсиб кетганда уларда 2-3 та барг қолдириб қолган қисми олиб ташланади, чунки улар ҳосилнинг етилишини, новданинг пишишини кечиктиради ва замбуруғли касалликларни ривожланишига сабаб бўлади.

Қандайдир сабабларга кўра асосий новдалари етарли бўлмаган токзорларда бачки новдаларнинг бир қисми уларни кейинги йили ҳосил новдасига айлантириш учун қолдирилади.

7.4 Чилпиш

Новдаларнинг учки қисмидан яхши ривожланмаган бир ёки иккита барг ва ўсиш нуктасини олиб ташлашдан иборат. Гули кўп тўкиладиган ва натижада узум бошлари сийрак бўлиб қоладиган навларда новдаларнинг ўсишини вақтинча тўхтатиш мақсадида новдалар чилпилади. Бунда озуқа моддалар новданинг ўсишига эмас, тўпгулларга йўналтирилади, натижада гул ва тугунчаларнинг тўкилиши 15-20% ва ундан кўпроққа камаяди, узум ҳосили ошади.

Новдалари ва ҳосили кам тоқларда бачки новдаларини ўстириш мақсадида ҳосил қилмайдиган новдалар гуллашдан 10-15 кун олдин, яъни бачки куртаклар ўса бошлашдан олдин чилпилади. Бачки новдалар ривожлангандан кейин ортикчалари олиб ташланади, бунда ҳосилсиз новдаларда кўпи билан 2-3 та бачки новда қолдириб, улар қулай ва бошқа новдаларга соя қилмайдиган қилиб жойлаштирилади.

8. ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ

Токнинг нормал ўсиши ва ҳосил бериши учун тупроққа баҳор-ёз ва кузда ишлов бериш зарур (сув – ҳавл режимини яхшилаш, бегона ўтларни йўқотиш ва тоқларни қишки совуқлардан ҳимоялаш учун). Тупроққа кузда 25-30 см чуқурликда ишлов бериш, баҳорга келиб тупроқда кўп миқдорда нам тўпланишига, бегона ўтларнинг йўқолишига ёрдам беради.

Агар тоқзорга кузда ишлов берилмаган бўлса, баҳорда тоқларни механизация усулида чала очиш билан бир вақтда ер хайдалади. Тоқлар очилгандан кейин қатор ораларидаги тупроқни текислаш учун культивация қилинади ёки бороноланади.

Ўсиш даври мобайнида ва бегона ўтларни йўқотишда тупроқда намни сақлаб туриш учун қатор оралари 10-12 см чуқурликда 3-4 мартаба культивация қилинади. Ҳар бир суғоришдан кейин ҳам, лалми тоқзорларда эса ҳар бир ёмғирдан сўнг культивация қилиш керак.

Ҳозирги вақтгача тоқларнинг бир қисми ер бағирлатиб ўстирилади, бундай тоқзорларда баҳорда тупроқ чопилади, ёзги суғоришлардан кейин юмшатилади.

Суғориладиган типик бўз тупроқларда ўстириладиган ҳосилдор тоқзорларда бир йиллик бегона ўтларга қарши гербицид гектарига 4-6 кг дозада прометрин, 4-6 кг монурон, 5-7,5 кг карагард ва 15-20 кг далапон қўлланиши мумкин.

Прометрин, карагард, монурон ва симазинни солишнинг энг яхши муддати баҳор фасли бўлиб, гербицидлар тоқлар очилгандан (март) ва туплар боғлангандан сўнг дарҳол солинади.

Далапон (гектарига 15-20 кг.) бегона ўтларга қарши уларнинг бўйи 5-10 см. га етганда қўлланилади. Ишлов бериш вақтида эритмани тоқнинг бир йиллик новдаларига тушишига йўл қўймаслик керак.

Прометрин, Симазин, Монурон ва карагард эритмалари миқдори гектарига 1000-1200 л, далапон учун эса 600 л ни ташкил этиши лозим.

Механизмларнинг кўп қарра ўтиши ва суғориш натижасида тоқ қатор ораларида тупроқ кучли зичланади, бу тоқ тупларининг ўсиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этади.

МПВ машиналарида ўғит солиш билан бир вақтда қатор орасидаги тупроқни ҳар йили юмшатиш керак. Бу ҳолда ён юмшатгичлар тупроқни 35-40 см чуқурликда илдиз системасини шикастламасдан, марказий юмшатгич эса 55-60 см чуқурликда юмшатиб кетади (расм 18).



Расм. 18. Учқаторли ер юмшатиши усули.

Шундай юмшатишда тупроқнинг сув-ҳаво режими яхшиланиб, илди з тизими яхши ўсади. Натижада ҳосилдорлик 35-40% га ошади.

Лалми тоқзорларда тупроқ баҳорда чуқур юмшатилади ва кейин ўсиш даври давомида 18-20 см. чуқурликда юмшатиб турилади. Токни парвариш қилиш ишлари МПВ, НЮ-18, УОМ-50, пневматик тоқ очгичлар билан бажарилади.

МПВ, НЮ-18 машиналари билан суғориш эгатлари очилади, қатор оралари культивация қилинади ва ёппасига юмшатилади.

МПВ машинасига ўрнатилган НЮ-18 мосламаси ёрдамида тоқлар чала очилади ва қаторлардаги тоқ туплари атрофидаги тупроққа ишлов берилади.

Т-54В, МТЗ-80 ёки МТЗ-82 тракторларига ўрнатиладиган пневматик тоқ очгичлар билан тоқ тўла очилади.

9. СУҒОРИШ

Ўзбекистонда эгатлаб суғориш кенг тарқалган.

Эгатларнинг чуқурлиги 18-20 см, узунлиги 100 м дан 300 м гача, механик таркиби бўйича энгил тупроқларда эгатлар узунлиги оғир тупроқлардагига нисбатан қисқароқ бўлиши керак.

Суғориш эгатлари орасидаги масофа тупроқ турига ва қатор оралари кенглигига боғлиқ. Сув ўтказувчанлиги ўртача ва механик таркиби бўйича оғир тупроқларда тоқ қаторидан 0,5-0,6 м. масофада очилган иккита суғориш эгати кифоя.

Ҳосилдор тоқзорларни оғир тупроқли жойларда 2-4 маротаба, сувни тутиб қолиш қобилияти паст тупроқларда (қумли, тошлоқ) 7-9 маротаба суғориш лозим. Сизот сувлари юза жойлашган тупроқларда суғоришларни тупроқ намлигига кўра ўтказиш керак. Биринчи суғориш май-июн ойларида ўтказилиши мумкин.

Оғир соз тупроқларда бир марта суғориш учун гектарига 700-800 м³ни энгил қумоқ ва тошлоқ тупроқларда 400-500 м³ ни ташкил этади.

Куз-киш даврида гектарига 1200-1500 м³ ҳисобидан захира сув берилади, бунда тупроқ 1,5-2 м чуқурликкача намланиши керак. Бундай миқдорда 2-3 маротаба суғориш натижасида кейин тупроқда сув захираси ҳосил бўлади. Бу суғоришлар ўсимликни ўсиш даврининг биринчи ярмида нам билан таъминлайди. Бу ҳолда ўсиш даврида суғоришлар сонини биттага қисқартириш мумкин.

Баҳорги ёмғирлардан ва суғоришдан кейин тупроқнинг етилишига

қараб тоқ қатор ораларини ўз вақтида юмшатиб туриш лозим.

Тоқ новдаларининг ўз вақтида етилиши, ўсимликларнинг қишга тайёрланиши ва ҳосилнинг пишиши учун суғоришни шимолий худудларида сентябр бошида, жанубий районларда сентябр ўрталарида тўхтатиш керак.

Ёгингарчилик 600 мм дан кам бўлмайдиган тоғ-тоғолди минтақасида тоқ суғормасдан ўстирилади.

Лалми ва шартли суғориладиган тоқзорларда намни тўплаш учун ёмғирдан кейин кузда ер чуқур хайдалади ва юмшатилади. Тупроқни ўз вақтида ва сифатли юмшатиш намнинг сақланиб қолишига, суғорилмайдиган тоқнинг яхш ўсиши ва ҳосил беришига ёрдам беради.

Баъзи тоғ-тоғолди районларида, имконият бўлса, тоқни ҳеч бўлмаганда бир мартаба суғориш зарур. Бу унинг ўсиши ва ҳосил қилишини анча яхшилади.

Тупроқ ичидан ва томчилаб суғориш усули истиқболлидир. Бундай суғоришда сув тежалади., ёзги ишлов беришлар истисно этилади, ҳосилдорлик 40%га ошади. Нишаб ерларда томчилатиб суғориш самаралидир, бу бошқа экинлар етиштириш учун яроқсиз ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконини беради, шунингдек эгатлаб суғоришга нисбатан сувни 40-50% га тежайди.

10. ЎҒИТЛАШ

Тоқнинг вегетатив массаси ва ҳосил билан бирга тупроқдан анча миқдорда озуқа моддаларининг олиб чиқилиши тупроқнинг табиий унумдорлигини бойитиш ва уни керакли даражада сақлаб туришни талаб қилади.

Ҳосили юқори бўлган тоқзорларда ҳар 3-4 йилда гектарига 20-40 тн миқдорда органик ўғитлар солиб туриш зарур. Ўғит тоқ туплари қишга кўмилгандан кейин ерни 25-35 см чуқурликда хайдаб, гўнг сочгич билан берилади. Органик ва органик-минерал ўғитларни чуқур қовлагич билан қазиладиган 60х60 см ли чуқурларга солиш жуда самаралидир. Бунда ҳар бир чуқурга 20-30 кг дан ўғит солинади.

Суғориладиган бўз тупроқларда ўстириладиган ҳосилдорлиги гектаридан 200-250 цн ли тоқзорларда минерал ўғитларнинг асосий меъёри 120 кг азот, 90 кг фосфор ва 30 кг калий (таъсир этувчи модда) ни ташкил этади.

Унумсиз тупроқларда (қумлоқ, тошлоқ) фосфор ва калий меъърини гектарига 90-120 кг гача ошириш мумкин.

Ҳосил мўл бўлган йилларда, ёки физиологик актив моддалар (гиббереллин, ТУР) қўлланилганда, тоқларни биринчи маротаба май ойида, иккинчи маротаба 10-15 кундан кейин гектарига 60 кг азот, 45 кг фосфор ва 15 кг калий меъърларида қўшимча минерал озиклантириш талаб этилади.

Суғорилмайдиган ерлардаги тупроқда етарлича нам тўпланганда (кеч куз ва баҳорда) органик ўғитлар аралашмаси солинади. Бундай шароитда ўғитларни чуқурчаларга солиш айниқса самаралидир. Ўртача қумоқ тупроқларда гектарига 3 тн гўнгни, 60 кг дан азот ва фосфор ва 15 кг калий билан 30-40 см чуқурликка солиш фойдалидир. Оғир қумоқ тупроқларда гектарига 1 тн гўнг, гектарига 120 кг азот, 90 кг фосфор ва 30 кг 40-50 см чуқурликка солинади.

Озика элементлари таркибини ошириш учун комплекс ва оддий ўғитлардан биргаликда фойдаланиш керак.

Масалан, суғориладиган ҳосилдор тоқзорларда ҳар йили баҳорда тоқлар очилгандан кейин гектарига 225 кг аммофос билан бирга 225 кг аммиакли селитра ва 250 кг калий тузлари ёки 455 кг нитрофос ҳисобидан минерал ўғитлар солинади.

11. ТОҚЛАРНИ СОВУҚДАН САҚЛАШ

Ўзбекистон майдонининг катта қисмида айрим йилларда қишда ҳаво ҳарорати 25-30°C гача пасаяди, бу тоқни қишда кўмишни талаб этади.

Новдаларнинг яхши пишиши ва чиниқишини таъминлайдиган юқори агрофонда ўстириладиган тоқлар яхшироқ қишлайди. Қишки захира сув бериш ҳам совуқнинг зарарли таъсирини сусайтиради.

Тоқлар дастлаб кузда кесилгандан кейин кўмишдан олдин қатор бўйлаб қўндоқлаб ётқизилади, агар ПРВН-2,5А ва МПВ машиналари бўлса, тоқ новдалари шу машиналар ёрдамида ётқизилади. Ўзбекистоннинг шимолий районларида тоқ устига ётқизилган тупроқ уюмининг баландлиги 25-30 см, бошқа районларда эса 20-25 см бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг шимолий районларида ток учун хавфли кузги совуқлар ноябрнинг бошида тушади, шунинг учун токни кўмиш ишлари бу ерларда 1 ноябрда, қолган районларда 10 ноябргача тугатилиши керак.

Токлар яхши кўмилиши зарур. Чала ёки кеч кўмилган ток кузги ва қишки совуқлардан зарарланади.

12. СОВУҚ УРГАН ТОКЛАРНИ ҚАЙТА КЎКАРТИРИШ ВА БАЧКИ НОВДАЛАРДАН ҲОСИЛ ОЛИШ

Ўртача ва кучсиз совуқ урган токлар баҳорда кесилмайди. Фақат тўпгуллар пайдо бўлгандан кейингина зарарланган новдалар кесиб ташланади.

Агар токда новдалар кам бўлса, асосий ва бачки новдаларда кучли бачки новдаларни ривожлантириш учун улар эрта чилпилади. Бу совуқдан зарарланган токнинг тез тикланишига ёрдам беради.

Ток тупроқ билан яхши кўмилган бўлса ва қаттиқ совуқлар тушган йилларда кўп йиллик зангларни ҳам совуқ уриши мумкин. Бу ҳолда улар кесиб ташланади ва бачки новдалар ҳамда эрта чилпиш ҳисобига токнинг совуқ урган қисми тикланади. Бачки новдалар узунлиги 60-70 см бўлиб, қулай жойлашганида чилпилади.

Совуқ урган токлардан яшил бачкиларни парваришlash ҳисобига ҳосил олиш мумкин. Бунинг учун ҳосил қилмайдиган асосий новдалар ривожлана бошламасдан олдин биринчи нормал ривожланган барггача чилпилади. Бачки новдалар кўпайиб кетса, сийраклаштирилади. Шундай усулда ўстирилган бачкилар ҳосил беради ва бир вақтнинг ўзида ташқи шаклини тиклашга ёрдам беради.

Баҳорги совуқлар токларга анча зарар етказилади. Токлар учун кеч баҳорда ҳароратнинг минус 3-5°C (апрель-май)гача пасайиши айниқса хавфдир, чунки бу пайтда ток тўла ривожланиш фазасига кирган ва ҳароратнинг кескин ўзгаришларига жуда таъсирчан бўлади.

Совуқдан ёш новдалар, тўпгуллар, баъзи ҳолларда эса бир ва кўп йиллик занглар ҳам зарарланади.

Токнинг совуқдан зарарланиш даражаси ва характери уч гуруҳга бўлинади:

1. Кучсиз совуқ уриш – бунда токнинг яшил қисмлари ўсиш нуқтаси ва новдалари учидаги нозик барглар зарарланади.

2. Ўртача совуқ уриши – бунда ёш новдаларнинг 40-60%

зарарланади.

3.Кучли совуқ уриши – бунда ёш новдаларнинг 80-100% нобуд бўлади.

Кучсиз совуқ урган тоқзорларда новдалар нормал ривожланади ва қўшимча агротехник тадбирлар (чилпиш) қўллаш билан бачки новда ҳисобига ҳосил олиш мумкин бўлади.

Ўғитларнинг асосий меёри солинмаган тоқзорларда азотли ўғитларни гектарига 120 кг, фосфорли 90 ва калийли 30 кг ҳисобидан солиш керак. Агар ўғитларнинг асосий миқдори солинган бўлса ва нормал ҳосил қутилаётган бўлса, тоқ гуллашдан олдин юқорида кўрсатилган миқдорнинг 50% ҳисобидан озиклантириш керак. Ўғитлар тупроққа ишлов берадиган МПВ машинаси билан солинади.

Ўртача совуқ урган тоқзорларда зарарланган ўсимликларни ер устки қисмини тиклаш ва сақланиб қолган ҳосилли новдаларда ҳосил олиш учун азотли, фосфорли ва калийли ўғитларнинг тўла миқдорини солиш (агар ўғит солинмаган бўлса) керак. Агар тоқзорларга ўғит солинган бўлса ҳосилдор тоқзорларда ва айниқса озиқа моддалари кам тупроқларда қўшимча равишда минерал ўғитларнинг ярим миқдорини (асосий нормадан) солиш ва кейин тупроқнинг илдиз тизими ривожланадиган қатламини тўла намлаб суғориш керак.

Совуқдан зарарланган новдаларда бачки кўп бўлса, токни шакллантириш учун зарур бачки новдалардан ташқари, барча ҳосил қилмайдиганлари олиб ташланади. Кучли ва қулай жойлашган бачки новдалардан янги енглари ҳосил қилишда фойдаланилади.

Кучли совуқ урган тоқзорларда асосий эътиборни токнинг ер устки қисмини тўла тиклашга, ён ва яширин куртақлардан янги новдаларнинг тезроқ ўсиб чиқиши ва кузда новданинг тўла пишишига қаратиш керак.

Кучли совуқ урган майдонларда тоқларни яхши ва мунтазам парвариш қилиш – ўғит солиш, тупроқни юмшатиш ва новдаларни парваришlash талаб этилади. Минерал ўғитларни органик ўғитлар билан бирга гектарига 5-10 тн нормада солиш керак.

Унумсиз кумли тупроқларда ва ўтган йили юқори ҳосил олинган участкаларида кузда ёки эрта баҳорда ўғит солингандан қатъий назар яна ўғитларнинг тўла миқдорда солиш, қатор ва қатор оралари тупроғига ишлов бериш ва чуқур суғориш керак. Тупроғи унумдор ва сизот сувлари юза жойлашган майдонларда токнинг ғовлаб кетмаслиги ва тез тикланиши учун ўғитлар билан озиклантиришда асосий

норманинг ярми ҳисобидан солиш, суғориш ва тупрокқа чуқур ишлов бериш лозим.

Қаттиқ совуқ урганда айрим ҳолларда фақат яшил новдаларгина эмас, балки ўринбосар куртаклар ҳам зарарланади. Токнинг ҳосилдор қисмидан новда ривожланишини кутиш бефойда. Бу ҳолда эски зангдаги яширин куртаклардан янги новдалар ривожланишини жадаллаштириш учун улар қисқа қилиб кесилади. Бундай кесиш натижасида бачки новдалар пайдо бўлади ва уларда 5-7 та барг пайдо бўлганида чилпилади, ўсиб чиққан новдаларнинг 1-3 таси қолдирилади.

13. ТОКЗОРЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ

Дориларни тайёрлаш услублари

Бордос суюқлиги - 3 % ли суюқлик тайёрлаш учун 30 кг мис купороси (1000 л ишчи суюқлиги учун) илиқ сувда аралаштирилади (идиш темирдан бўлмаслиги керак) ундан кейин 30 кг сўндирилмаган оҳак солиб, катта бўлмаган ҳажмдаги сувда эритамиз. Она эритмалар тайёрлангандан кейин мис купороси эритмасини аралаштириб туриб оҳакли эритмага қуйилади. Она эритмани керакли белгисигача сув қуйиб ишчи эритмага аралаштирамыз (1000 л).

1 % ли эритма тайёрлаш учун 10 кг мис купороси ва 10 кг оҳак олиб 1000 л сувда эритилади.

Оҳак – олтингугурт қайнатмаси (ИСО) – каналар, замбуруғли касалликларга қарши самарали таъсир қилади. Бир литр сувга 60 г оҳак ва 120 г олтингугурт қуқуни тавсия қилинади.

ООК – 10 л она эритмасини тайёрлаш учун чўян қозонга 600 г сўндирилмаган оҳакни олиб, сув қуйиб сўндирамыз ва қайнаш даражасига олиб борамиз. Бошқа идишда 1200 г олтингугурт қуқунини озроқ сувда эритамиз ва оҳакли сувга аралаштирамыз. Қозонда белгиланган жойгача 10 л аралашма ҳосил қиламыз. Ёғоч белчада аралаштириб туриб 70 дақиқа қайнатамыз. Қайнатиш давомида парланган сувни сув қуйиб тўлдириб турамыз. Қайнаш охирига 15 дақиқа қолганда сув қуйишни тўхтатамыз. Ҳосил қилинган эритма яхши тингандан сўнг бошқа идишга қуйиб оламыз.

Тиндирилган ООК тиниқ олча рангида бўлади. 0,5° қувватли ишчи эритмани тайёрлаш учун 10 л сувга 0,2-0,3 л она эритма солинади.

Ток туллари касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари

Касалликлар	Препаратлар номи	Сарфланиш нормаси	Пуркаш муддатлари, ишчи суюқликнинг сарфланиш нормаси
Қул, шудринг (оидиум)	Фоликур Олтингугурт Импакт	га, 0,15-0,3 л га, 30-40 кг га, 0,1-0,15 л	1 нчи – 4-6 та барг чиқиш даврида 1 нчи 4-6 барг чиқиш даврида ва хар 15-20 кунда чанглаш
Антракноз, милдью	Вектра 10 % ли Бордосс суюқли Оҳак –Олтингугурт кайнатмаси (ИСО)	га 0,3 л га, 10-15,0 к 5°	2 нчи гуллашдан олдин 3 нчи гуллашдан кейин га, 1000-2000 л токни кўмишдан
<u>Ток тули зараркундалари ва уларга қарши кураш чоралари</u>			
Зараркундалар Узумхўр қурти Ургимчак каналар	Каратэ, 5 % Золон, 35% Ёки Сумицидин ёки Талстар ёки Нурел ёки БИ-58,40% Неорон ёки Омайт	га, 0,3-0,5 л га, 2,5-3 кг га, 0,8-1,2 кг га, 0,6-0,8 л га, 1,5 л га, 1,2-3 л га, 1,2-1,8 л га, 1,2-1,8 л	1 нчи гуллашдан сўнг 2 нчи – ғужумлар пайдо бўлгандан кейин га 1200-2000 л. 1 нчи – июн охирида 2 нчи – июл ўртаси 1 нчи – июн охири 2 нчи – июл бошларида ўсиш даврида чанглатилади.

1° қувватли ишчи эритмани тайёрлаш учун эса 0,4-0,6 л она эритма солинади. 5° қувватли ишчи эритмани тайёрлаш чун 2-3 л она эритма солинади. 100 л сувга 2-3 л она эритма солинса, 0,5° қувватли бўлади, 1° қувватли бўлиши учун 4-6 л, 5° қувватли бўлиши учун эса 20-25 л солинади.



Расм 19. Токзорларда зараркунанда ва касалликларга қарши пуркалаш .

Зараркунанда ва касалликларга қарши курашда биринчи пуркаш тўпгуллар пайдо бўлиш даврида, иккинчиси гуллаб бўлгандан кейин 17-20 кунда, учинчиси 7-10 кун иккинчисидан кейин пуркалади (расм 19).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Алехин К.К.* Обрезка и формирование виноградных кустов. Ташкент. 1976 г.
2. *Абдукаҳхаров А.* Получение высоких урожаев крупноягодных сортов винограда на галечниковых почвах Наманганской области. «Вопросы интенсивной технологии возделывания плодовых пород и винограда». Ташкент, 1991 г.
3. *Джаваянц Ю.М.* Регенерация корней виноградного растения. Ташкент. 1973 г.
4. *Джаваянц Ю.М., Джавакянц Ж.Л., Алёхин К.К.* Корневая система плодовых пород и винограда в Узбекистане. Ташкент, 1981 г.
5. *Джаваянц Ю.М., Горбач В.И.* Виноград Узбекистана. Ташкент, 2001.
6. *Кухарский М.С.* Плодоносность виноградных кустов на высокоштамбовой формировке при различной длине обрезки. Кишинёв, 1982 г.
7. *Мирзаев А.* Некоторые особенности агротехники винограда на богарных и условно-поливных землях Паркентского района Ташкентской области. Ташкент, 1971 г.
8. *Мирзаев М.М.* Виноградарство предгорно-горной зоны Узбекистана. Издательство ФАН. Ташкент, 1980 г.
9. *Смирнов К.В.* Виноградарство. Москва, 1987 г.

